

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ**

### 1996/97 ўқув йилида ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ Тўғрисида

Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни иқтимоий муҳофаза қилиш ва абитуриентларни сифатли танлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

- 1996/97 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиш учун 23 минг давлат грантлари белгилансин.
- Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига қабул қилишни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун давлат комиссияси таркиби тасдиқлансин.
- Олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат тест маркази:
  - абитуриентларни, тест натижасида тўпланган балларни ҳисобга олган ҳолда, рейтинг тизими бўйича қабул қилишни ташкил этсинлар;
  - ўзларига қарашли олий ўқув юртларида ўқитиш шакллари ва тилларига кўра таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича грантларнинг тақсимланшини бир ҳафта мuddатда давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.
- Грантларни тақсимлашда қуйидаги мутахассисликларнинг устиворлиги таъминлансин: менежмент, маркетинг, молия ва кредит, банк иши, солиқлар ва солиқ солиши, сугурта иши, иқтисодиётда ахборот тизимлари, халқаро иқтисодий муносабатлар, кон иши, нефть-газ иши, автомобилсозлик, педагогика, юриспруденция, халқаро ҳуқуқ, чет тиллар.
- Белгилаб қўйилсинки, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде 1996/97 ўқув йилининг биринчи курсларидан бошлаб ўқитиш учун барча ўқув харажатларининг 50 фоизи микдорда тўлов жорий этилади.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг, олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идораларнинг ривожланган мамлакатлар таърибасидан келиб чиқиб, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўқитишнинг кўндүзги шакли бўйича бир ўқитувчи ҳисобига талабалар сони нисбати нормативлари чегарасини таълим йўналишлари, мутахассислик ва олий ўқув юртининг хусусиятларига қараб 1:9 гача қўлайлаштириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.
- Ўқитувчилар ва талабалар нисбати нормативларининг ўзгаришидан қатъи назар, олий ўқув юртлари иш ҳақи фондининг ҳозирги микдори, унинг бўшаб қолган қисмини олий ўқув юртларининг юқори малакали ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун йўналтирилган ҳолда сақлаб қолинсин.
- Бўш қолётган ўқитувчилардан олий ўқув юртлари ҳузурда ташкил этиладиган коллежларда, гимназияларда, мактабларда, лицейларда, шунингдек, умумтаълим муассасаларида фойдаланиш тавсия этилсин.
- Олий ўқув юртларининг ректорларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан профессор-ўқитувчиларга юқори малакаси учун бир оқладгача микдорда табақалаштирилган ҳар ойлик устама белгилашга ружсат берилсин.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги билан биргаликда олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисида низомини икки ой мuddатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.
- Давлат комиссиясига қуйидагиларга ружсат этилсин:
  - олий ўқув юртларига грантлар умумий сонининг 20 фоизи доирасида, улардан 10 фоизгачасини Тошкент шаҳри олий ўқув юртларига, шу жумладан, нул курсларга, устувор ва танқис мутахассисликлар бўйича, пулли-контракт асосида, юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртномаларига мувофиқ, абитуриентларнинг ушбу тоифаси ўртасидаги тест натижаларидан келиб чиқиб, улар томонидан ўқитишнинг тўлиқ қийматини қоллаган ҳолда қўшимча равишда қабул қилишни амалга ошириш;
  - олий ўқув юртларига аниқ мутахассисликлар ва таълим йўналишлари бўйича пулли-контракт асосида қабул қилиш кўрсаткичларини юридик ва жисмоний шахсларнинг буюртномаларини ҳисобга олган ҳолда қўриб чиқиш ва уларга тегишли ўзгариштиришлар киритиш;
  - Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қондалари тўғрисида низомига зарур ўзгариштиришлар киритиш.
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш ҳақи микдорини, шунингдек, тушган маблағларни олий ўқув юртларида сарфлаш тартибини кўрсатган ҳолда ўқитишнинг пулли-контракт шакли тўғрисида низоми ишлаб чиқсин ва 1996 йил 25 июлгача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этсин.
- Олий ва ўрта мактабни интеграциялашнинг чуқурлаштириш, ўқув жараёнини тақомиллаштириш, янги турдаги таълим муассасаларини ташкил этиш учун 1996/97 ўқув йилидан бошлаб олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Халқ таълими вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда фаолият кўрсатаётган мактаблар неғизда ҳаммуассислик ҳуқуқлари билан ҳар бир олий ўқув юрти ҳузурда, уларда ўқитишнинг юқори савида бўлишини таъминлаган ҳолда, утадан қўшма умумтаълим мактаблари (1 та бизнес мактаби, 1 та иқтисодлаштирилган лицей, 1 та гимназия) ташкил этсинлар.
- Олий ўқув юртларининг ўқитишнинг пулли-контракт шакли бўйича кадрлар тайёрлашдан тушган маблағлари, улардан моддий-техникавий базани мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини ўқитишнинг янги воситалари билан таъминлаш, олий ўқув юртлари ходимлари нинг иқтимоий муҳофаза қилиш ва моддий рағбатлантириш учун мақсадли фойдаланилган тақдирда, солиқларнинг барча турларидан 5 йил мuddатта озод қилинсин.
- Молия вазирлиги 1996/97 ўқув йили учун белгиланган грантларни ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки прогноз кўрсаткичларига тузатишлар киритсин.
- Маъзур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С. С. Саидхосимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 5 июль.

**Туманлар йўқламаси: ЮНУСОБОД**

### Кўз қувнайдиغان ўзгаришлар

— Дарҳақиқат, 1996 йил Ватанимиз тарихида алоҳида уринга эга йил бўлиб қолади. Эеро, бу йил республикамиз Мустақиллигининг 5 йиллиги ва Буюк Сохибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги кенг нишонланади. Бу улуг саналар билан бирга туманимиз меҳнаткашлари Юнусободнинг 60 йиллик байрамини ҳам кутиб олиш арафасидадир.

Юнусобод тумани 1966 йилнинг сентябрь ойида собиқ Октябрь, Ленин, Куйбишев туманлари неғизда ташкил этилган бўлиб, ўша вақтда ери 3 минг гектар, аҳоли сони эса 73 минг кишидан иборат эди. Хозирги кунда эса Юнусобод тумани аграр тумандан шаҳримизнинг иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларида муҳим ўрин тутадиган энг кўрак, саноати ривожланган туманларидан бири бўлиб қолди. Айниқса республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг туманда кўз қувнайдиغان ўзгаришлар юз берди, бир талай

диққатга сазовор ютуқларга эришилди.

Уттан беш йил мобайнида 79 минг квадрат метрдан ортиқ майдонга эга бўлган ортиқ фойдаланишга топширилди. Охириги 2 йил ичида Олой бозорининг қайта қурилиши тугалланди. Туркистон, Хуснобод, Ғ.Абдуллаев, Чинор, Ўзбекистон мустақиллиги маҳаллаларида гузарлар қурилди. А.Дониш кўчаси, 19-мавзёда бозорлар, 8-мавзёда савдо-маиший хизмат мажмуаси, қариялар уйи, «Туркистон» саройи қуриб фойдаланишга топширилди. 17-мактабда 350 ўқувчига мўлжалланган янги корпус қад кўтарди.

Туман ҳудудида қурилган учта кичик нон заводи аҳолини туну кун иссиқ нон билан таъминлаб келмоқда. Яқин кунларда Олой бозорида туртинчи кичик нон заводи ишга туширилди.


Шуниси эътиборга лойиқки, туманимизда 660 йиллик тўйи бу йил жаҳон миқёсида кенг нишон-

ландиган улуг бобомиз Амир Темур номи билан боғлиқ жойлар маъжуддир. Авваламбор, Амир Темур хибони истиклолдан сўнг қайта қурилиб ҳамшаҳарларининг севимли дам олиш масканига айланди. Хибондан бошланган энг катта кўча ҳам унинг номи билан аталади. Буюк Сохибқироннинг юбилейига атак кўча бошланмишда қурилатган Темурийлар тарихи давлат музейи шу йил 1 сентябрда битказилди. Бундан ташқари Амир Темур кўчасини Абдулла Қодирий кўчаси билан кесишган жойида янги йўл мажмуаси қурилмоқда. Кўча йўналишида бунёд этилаётган метро бекатлари ва бошқа қурилиш ишлари 1 сентябрда поёнига етади. Булар қучанинг ҳуснига янада чирой қўшиб Буюк бобокалонимиз тўйи ва мустақиллик байрамимизга муносиб совға бўлади.

(Давоми 2-бетда).

### Пойтахтнинг ноёб ишоотлари

## Ўзлгимизнинг Буюк рамзи



**Амир Темур хибонига узвий боғланиб кетадиган Темурийлар тарихи давлат музейи келгусида мустақил дйбримизнинг энг ажойиб гўшаларидан бири бўлиб қолиши шубҳасиздир. Ҳозир бу ноёб ишоот қурилишида «Тошкентўйжойинвесткуриллиш» корпорациясининг «Турон», «Тошмаҳсуспардозкуриллиш», «Тошкенткуриллишмеханизацияси» ҳиссдорлик жамиятларининг бунёдқорлари самарали меҳнат қилишмоқда.**

Бу ерда бир зум бўлсада асфальт ётқизувчилар, пардозовчилар, мрамр плитлар дорувчилар, бетончиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Машиналарда музей қурилишига кум, шағал, асфальт, бетон кети узиламай пешма-пеш келиб турибди.

Ҳозир музей қурилишидаги асосий тиклаш ишлари дйрли бажариб бўлиниб, уни пардозлаш, безак бериш ишлари жадал давом этмоқда. Биз музей ичкарисида Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси қошидаги халқ амалии санъат

ишлашга қарор қилдик. Бирок бунда Хирот мактабининг алоҳида ёркинлиги билан ажралиб турадиган эски миниатюра рангларидан фойдаланилмай. Осмон, ер, сув, фонлар тасвирида янги деталлар киритилди.

Музей ичидидаги композиция триптих, яъни уч қисмдан иборат бўлади. Қираверишда чап томондан биринчи қисми ўрин олиб, у «Ҳаёт кўшиги» (туғилиш) деб номланади. Ундаги ҳолат оилада фарзанд туғилганлигидаги қувончлардан дарак беради. Ривоятларга кўра чақалоқ бошида ҳумо қуши айланса, у сохибқирон бўларкан. Шу сабабдан жажжи Темур устида ҳумо қуши чарх уради. Пастда, ўтов олдида эса аёллар кашта тикиб, кўшиқ қуйлаб ўтирашди. Яъни, болани бешикача белашга тайёргарлик келтиришди. Ўтов устида қўниб турган Лоҳин эса кўзи ўткирлик, ажбир-

лик ва мағрурликни билдирдиган рамздир.

Композициянинг ўртасидаги марказий қисми «Юксалиш» деб номланади. Унда сохибқироннинг тахтада ўтирган ҳолати тасвирланади. Унинг ўнг томонида олимлар, дин арбоблари, чап тарафида вазирлар, лашкарбошилар гуёки машварат қилиб ўтиришбди. Орқа фондан эса Темур қурдирган бинолар ўрин олган. Темурнинг икки томонидан қанотли парилар учиб келмоқда. Теллада «Ростирусти», яъни куч-адолатдадир деб ёзилган. Паст томонда эса унинг авлодлари — Султон Маҳмуд, Улугбек, Хусайн Бойқаро, Бобурлар тасвирланади. Ўртада Амир Темур ва унинг авлодларини ажратиб турадиган ҳовуз ўрин олади. Марказий қисмининг четларида қуфий-араб ёзувида Куръондан суралар келтирилди.

Учирчи қисм «Мерос» деб номланиб унда Темур ва Темурийлар сулоласи қолдирган архитектура ёдгорликлари тасвирланади. Унда рамзий маънода чархпалак тасвири ҳам бўлиб, даврининг айлинишини билдирлади. Учнала қисмини осмон, сув умумлаштириб туради.

Гуруҳ аъзолари биз билан суҳбатда бундай кенг қўламадаги миллий архитектура ишининг фақатгина мустақиллик шарафати билан амалга ошаётганини қўп марта таъкидлаб ўтишди. Улар томонидан жуда катта ҳаммадаги иш — 182 квадрат метр жойда композицияни ишлаш юмуши амалга оширилмоқда.

Темурийлар тарихи давлат музейи Мустақиллик байрамининг беш йиллигиде очилган, «Саноий нафис» гуруҳининг заргарона ишга ҳамшаҳарларимиз ва юртимиз меҳмонларининг ўзлари холис баҳони берадилар.

**СУРАТДА:** Темурийлар тарихи давлат музейи қурилишида.  
Рустам Шарипов олган сурат.

### Акс садо

## МУСТАҲҚАМ МУНОСАБАТЛАР ПОЙДЕВОРИ

**Халқимиз Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Италия ҳамда Америка Қўшма Штатларига ташрифи, Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган битим, кўртбошимизнинг АҚШ Президенти билан учрашуви мамлакатимизга яна бир бор катта оёру келтирганини қалбларда зўр ифтихор тўғриси билан таъкидламоқда. «Оқшом» тахририятига пойтахтимиз аҳолисида келаятган дил сўзлари битилган мактублар ушбу фикримизнинг далилидир.**

Бизнинг жамоамиз аъзолари Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома имзоланганлигини муносабатларда мустаҳкам пойдевор сифатида чин дилдан маъқулладилар.

Президентимиз ва ҳукуматимиз мақолидаги аҳолини кучли иқтимоий ҳимоялаш сифатини ўтказиш билан бирга ташқи сифада ҳам собитқадамлик билан олға интилимоқда.

Жўра ҲАЙДАРОВ,  
2515-автокорхона чилангари.

Ўзбекистонда туғилиб ўсганман. Мамлакатимиз Президентининг АҚШга ташрифи юртимизда яшовчи барча халқлар қарти мени ҳам гоят қувонтирди. Чунки бу ташриф ёш мустақил республикамизнинг оёру-эътибори тобора ошиб бораётганлигини кўрсатди.

Мен ҳозирги кунда Ватанимиз чегараларининг дахисизлигини сақлаш йўлида хизмат қилаётганидан мамнунман. Чунки барча эагу ишларни амалга

ошириш учун тинчлик зарур. Шундагина биз кўзлаган мақсадимизга албатта эришамиз. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликка асло кўз тегмасан.

Аркадий ЮРЬЕВ,  
аскар.

Ўзбекистон давлат делегациясининг Америка Қўшма Штатлари ва Италияга ташрифини зўр қизиқиш билан кузатдик. Бу ташрифларнинг натижаси шунки кўрсатдики, мамлакатимиз раҳбариятининг ички ва ташқи сифати, бозор муносабатларига босқичма-босқич аста-секин ўтиш йўли, тинчлик, ижтимоий адолатнинг тантанаси йўли жаҳон жамоатчилиги томонидан тан олинаётганлиги ҳар биримизни қувонтирмоқда.

Самғи ҲИҚМАТОВ,  
иқтисод фанлари номзоди.

## Республика Марказий банкнинг ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари тўлов тизимини тақомиллаштириш, халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларни тезлаштириш юзасидан фалч чора-тадбирлар кўрмоқда.

Лекин, олиб борилаётган сифаатта энд равишда векселларни қалбқаллаштириш ва муомалага қалбоки векселлар чиқариш ҳўллари рўй бермоқда.

Вексель операцияларини амалга оширишдаги тартиббузарликлар ва суиестимолларнинг, шунингдек, қорхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қалбоки векселларни қўлланганининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хабар қилди:

- Муомаладаги ҳамма векселлар 15 кун мобайнида: 1996 йилнинг 11 июлидан 25 июлгача қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим. Банк векселларининг қайта рўйхатдан ўтказилиши эмитент-банклар ва уларнинг вилоятлардаги бўлиmlари томонидан амалга оширилиши. «Узпактасаноатсотиш» уюшмасининг векселлари вексель эгалари томонидан иқтисодлаштирилган акциядорлик-тижорат «Пактабанк»нинг Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоятлар божқармаларига тақдим этилиши керак. «Оролсуқурилиш» бирлашмаси Қорақалпоғистон республика, Тошкент шаҳар ва вилоятлар акциядорлик-тижорат «Пактабанк»нинг Қорақалпоғистон республика божқармаси томонидан амалга оширилиши.
- 1996 йилнинг 11 июлидан қорхона ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китобларда қайта рўйхатдан олган ва тегишли белгилари билан векселларига қўллангани мўмкин. Ҳисоб-китобларда қайта рўйхатта олганидан векселлар қўлланилиши, улар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай операцияларнинг амалга оширилиши ман этилади. Маъзур талаб бузилган тақдирда қорхоналарнинг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари шахсан жавобгар бўлидилар.
- Муомалада бўлиш мuddати тугаган векселлар мажбурий тартибда белгиланган мuddатда тўловга тақдим этилиши лозим. Бундай векселларнинг кейинги ҳўракати таъкидланади.

## МИПЛАТ Кўзгуси

мумкин, — дейди биз билан суҳбатда Республика бастакорлар уюшмасининг раиси Рустам Абдуллаев, — Она юртини улугловчи, унинг буюк келажакини мадда этувчи кўшиқлар кўрик-танлов ҳали ҳеч бир давлатда ўтказилган эмас. Шу бохонада ҳозир уюшмада Ўзбекистон ҳақидаги юзлаб шеърлар, кўшиқ ноталари жамланди. Имон қадар уларнинг барини газеталарда бериб боришга интилимиз. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда болалар учун махсус кўшиқлар тўплами нашрдан чиқсин арафасида. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамжиҳатликда эса ўсимлар, ёшлар билан бастакорлар тўплами ҳам тез кунларда тайёр бўлиб қолади. Аскарлар учун Ватан мавзюидаги қатор кўшиқлар устиде ишлашганим.

Янги овозлар, истеъодли соҳиблари билан бир қаторда ёш бастакорларнинг айнан мана шу талов сабабли кашф этилиши, танилиши биз — бастакорлар учун жуда қувончлидир.

Энди ўзимга келсак, менин ўндан энди кўшиқларим танловга ижро этилди. Хўллас, кўрик-танлов учун кўшиқлар яратишда бор куч-ғайратимизни аямийим.

Назозат УСМОНОВА

бормоқдалар. Маълумки, адабиетимиз ҳам, ёзувимиз ҳам ҳозирги кунгача жуда кўп ўзгаришларни бошидан кечирган эди. Булаёқ кўргазмада яна шу ҳақиқат ўз ақсини толади. Ходимларнинг савий-харакатларининг қўллаб қувватлаган Тошкент шаҳар ҳокимлиги булаёқ кўргазма учун ёш, иқтидорли рассом Алишер Алиқўловнинг «Даврий» эришлиши асарини музага армуғон этди.

Томир ЙўЛЧИЕВ.



**МУЗЕЙГА АРМУҒОН**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи буюк сарварда, сохибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ilk маротаба катта кўргазма ташкил қилди.

Хоразм воҳожининг энг яхши рассомлари мўйқаланига мансуб биринчи кўргазма ҳам, истеъодли рассом Темур Саъдул-



# Махмудов

Қонунлар — амалда

## ХАЛҚ ПРОДАСИГА ТАЯНИБ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 13 март куни қабул қилган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига кўра пойтахтимиз маҳаллаларида ҳам сайловлар бўлиб ўтди. Кўни кеча ақунланган бу тадбирларнинг хулосалари хусусида Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳкамасининг ташкилий-кадрлар бўлими бошлиғи Зикрилла Асатов билан суҳбатлашдик.

— Зикрилла Исматович, бугунги кунда маҳаллалар фаолияти бундан ўн йилларча аввалгисига ўхшамагани каби оқсоқолликка сайлов тадбирлари ҳам ўзгача бўлиши табиий.

— Албатта. «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида»ги қонун эълон қилинганга қадар маҳалла оқсоқолини сайлаш қолди, демократик талабларга жавоб бериладиган даражада ўтказиларди. Бунда маҳалланинг кўзга кўринган беш-олти одамга йиғилиши оқсоқол, унинг ўринбосари, котибини сайлаш, ким сайланганини маҳаллада биров билар, биров билмасди. Мазкур қонун эълон қилинганга, бундай сайловлар демократик асосда ўтказилган бўлди. Бунда маҳалланинг ҳар бир ҳудудидан ўз вақтида аҳолини кўрсатган вакил сайловда овоз бериш учун иштирок этди. Маҳалла оқсоқолига танлов асосида уч-тўрт киши номзоди кўрсатилиши мумкин. Улар ичидан аҳоли ишончини қозонган номзодга оқсоқолликка сайланади ва ўзига маслаҳатчилар тайинлаш ҳуқуқига эга. Чунки оқсоқол ким билан ишласа мавжуд муаммолар ечилишини ўзи яхши билади.

— Мана, қонун асосида сайланган оқсоқоллар икки ярим йил фаолият кўрсатишди. Бу мuddат ичида қандай ўзгаришлар юз берди?

— Аввало ўтган икки ярим йил мuddат ичида шахримиздаги маҳаллалар сони кўпайди: 360 тадан 473 гага етди. Бу ишлар кўпқаватли уйлardan иборат ҳудудларда маҳаллалар ташкил этилиши билан боғлиқ. Айрим маҳаллалар уларга ён-атрофдаги кўпқаватли уйлариинг кўшиқ юборилиши натижасида кенгайди. Қирқча янги янги гузарлар қурилды. Аммо энг муҳими шу бўлдики, ўтган давр мобайнида биз оқсоқолларга айтаётган «Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида»ги қонун тўла ишлади. Худди шунинг учун ҳам яқинда бўлиб ўт-

ган сайловларда номзодларнинг икки хусусияти асосий эътиборда бўлди. Биринчиси: ўзини-ўзи бошқариш ишларини тўғри йўлга қўйишдаги ташкилотчилиги, чунки маҳалла маъмурияти туман ҳокимлигининг жойдаги органидир. Иккинчиси: оқсоқолликка номзод одамдаги аҳолининг кам таъминланган қатламиини ижтимоий муҳофаза қилиш тадбирларидаги ҳалоллик фазилидир.

— Аввалги сайланган оқсоқоллар билан кўни кеча бўлиб ўтган сайловларда сайланган оқсоқолларни таркибий жиҳатдан таққосласак, орадаги фарқ қай даражада бўлади?

— Сўнги сайловдан мубоффақиятли ўтган оқсоқолларнинг тахминан 78 фоизи шу лавозимга қайта сайланганлардир. Бу эса аввалги сайловларда оқсоқол сайлаш шартли ўтганини, шунингдек икки ярим йил ичида оқсоқолларнинг тажрибаси янада ошганини кўрсатади. Қолган 22 фоизи янги сайланган оқсоқоллар бўлиб, бу маҳаллалардаги аввалги оқсоқолларнинг тенг ярими ўз ихтиёри билан ўрнини бушатган кишилардир. Бу борада айтиш мумкинки, одамларимиз маҳалла оқсоқолига лавозимини мансаб эмас, балки катта масъулият эканини тобора тушуниб етмоқдалар. Бундан ташқари оқсоқоллар ичида давр талабини яхши тушунган зиёлилар кўпайди. Кўпгина маҳаллаларда оқсоқоллик лавозимига давлат ёки жамоат ишларида мансабдор одамлар номзоди кўрсатилганда биз бунга ҳам жиддий эътибор қаратдик. Чунки оқсоқол ўз иши жойида жуда банд бўлсау маҳалла ишларида қўли қалтириқ қилса, бундай маҳалла раҳбарининг ҳеч кимга кераги йўқ. Ортбосимизнинг жамъинимизда аёллар ўрнини кенгайтириш ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилганимиз тўғрисида бугунги кунда маҳалла оқсоқолларининг 7-10 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Оқсоқол маслаҳатчиларини сайлашда ҳам салмоқли ўзгаришлар бўлди. Ҳозирда шаҳар маҳаллалари бўйича сайловдан ўтган беш миңдан ортиқ маслаҳатчининг деярли ярими янги, яъни бу ишда эндигина фаолият бошлаганлардир. Маслаҳатчилар орасида хотин-қизларнинг кўпроқ бўлишига эришиш ҳам асосий эътиборда бўлди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла оқсоқолига амалдаги қонун асосида ўтказилган сайловлар энг демократик асосда уюштирилиб, унда халқнинг иродаси асосий эътиборда бўлди. Худди шунинг учун шахримиздаги маҳаллаларга давр талабини яхши англаган, маъна баркамол, ишончли, обрўли, халқпарвар, пок инсонларнинг оқсоқол этиб сайланишига эришилди.

— Суҳбатдош Абдумажид АБДУРАҲИМОВ



Дастурхонимиз кўрקי бўлган нон ҳамма замоналарда азиз саналган. Шунинг учун ҳам одамларни она шу нонмат билан таъминлаш савоб ишлар сирасига кириди. Бугунги кунда Мирзо Улуғбек туманидаги «Файёзи ва барқали» нон-квччи корхонаси жамоаси ана шундай эзу амалга қўя уришган. Бу ерда бир кунда 8 ярим тонна нон қайта ишланб 20-25 миң нон маҳсумотлари тайёрланади. Ушбу жамоа бугунги кунда ён-атрофдаги маҳаллар аҳолисини иссиқ нон билан таъминламоқда. \*\*\*

Ҳар қандай ишга режа билан киришялди. Айниқса, авлоддан-авлодга ўтиб келатган устачилик касбида қурилмажак уй лойиҳасини чуқур ўрганишиишг аҳамияти катта. Бунда ҳам устоз-ишгорди ананчалариса қатъий амал қилинади.



## Мамлакатимизда ислохотларнинг самарали бўлиши албатта ҳар биримизга боғлиқ.

### Иш биланганга миңг танга ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Президентимизнинг қатор Фармонлари ва ҳукумат қарорларида кишилардаги ишбилармонлик ва тадбиркорликни рўйбета чиқаришга амалдий замин тайёрланди. Натижада одамлар бокимандалик кайфиятидан чиқиб, ўз аврасини ўзи тарта бошлади. Яқна тартибда ҳусуий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларнинг сони кундан кунга кўпайиб бораётгани билан шуғулланганларнинг даромади пухта ҳисобланиб, шунга асосан солиқ миқдори белгиланди. Утказилган 6335 та текширув оқибатида 1 миллион 521,1 миң сўм миқдорда қўшимча даромад солиқ ҳисоблаб берилди ва ундириб олинди.

— Албатта, шולי қурмақсиз бўлмаганидек, яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланганларнинг даромади пухта ҳисобланиб, шунга асосан солиқ миқдори белгиланди. Утказилган 6335 та текширув оқибатида 1 миллион 521,1 миң сўм миқдорда қўшимча даромад солиқ ҳисоблаб берилди ва ундириб олинди.

— Албатта, шולי қурмақсиз бўлмаганидек, яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланганларнинг даромади пухта ҳисобланиб, шунга асосан солиқ миқдори белгиланди. Утказилган 6335 та текширув оқибатида 1 миллион 521,1 миң сўм миқдорда қўшимча даромад солиқ ҳисоблаб берилди ва ундириб олинди.

— Албатта, шולי қурмақсиз бўлмаганидек, яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланганларнинг даромади пухта ҳисобланиб, шунга асосан солиқ миқдори белгиланди. Утказилган 6335 та текширув оқибатида 1 миллион 521,1 миң сўм миқдорда қўшимча даромад солиқ ҳисоблаб берилди ва ундириб олинди.

— Албатта, шולי қурмақсиз бўлмаганидек, яқна тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланганларнинг даромади пухта ҳисобланиб, шунга асосан солиқ миқдори белгиланди. Утказилган 6335 та текширув оқибатида 1 миллион 521,1 миң сўм миқдорда қўшимча даромад солиқ ҳисоблаб берилди ва ундириб олинди.

## Юнусобод туманидаги 122-мактаб биносида шаҳар «Хотин-қизлар ресурслар маркази» ва Дўстлик маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда «Дилдаги гаплар» мулоқоти бўлиб ўтди.

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

## Тахрибалар — оммага «ДИПДАГИ ГАПЛАР» МУЛОҚОТИ

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

Унга туман маҳаллалари хотин-қизлар кўмиталарининг раислари, республика, Тошкент шаҳар ва туманлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг вакиллари иштирок этди.

## Раҳмдил ва муруватли бўлайлик ЕПҚАДОШЛАР

Чилонзор маҳалласи фаолларининг навбатдаги йиғилишида маҳалла оқсоқоли Омонулло хожи Муталов амалга оширилган ва қилинадак ишлар хусусида тўхталиб ўтар экан, шундай деди:

— Кундалик ишлар билан бир қаторда маҳалламизда яшовчи ногиронларга, етим-есирларга, қаровечисиз қолган қари-ларга ва боқувчисиз йўқ оилаларга ҳам алоҳида эътибор берди, уларнинг ҳолидан хабар олиб туришимиз, оғирини енгил қилишимиз керак. Зеро, етим-есирларнинг бошини силаш, қўнғилларини кўтариш, уларга нобатан раҳмдил ва меҳр-муруватли бўлиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

— Сиз жуда тўри гапирдингиз, — деди оқсоқолнинг сўзларини маҳкуллаб, маҳалла хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Маҳмуд Хўжаева. — Мен яқинда бир савобли ишнинг вуқохи бўлдим. Мирсобит Асодов Қурбон хайити арафасида бир неча новов сўйдириб, етим-есирларга, бева-бечораларга тарқатди, элга ош берди.

— Бу борада котибимиз Абдусаттор Абдуқалиловнинг олиб бораётган ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, — деди йиғилишида сўз олган маҳалла оқсоқоли маслаҳатчиси Аҳмаджон Аминов. — Жумладан у жонқуриятли тўғрйли маҳалламизга «Наврўз» жамғармасидан ногиронлар аравачаси ажратилди. У Чилонзор 2-тор кўчасида истикомат қилувчи ногирон Равадан Султоновга берилди. Бундан ташқари маҳалла жамғармасидан қари-ларга ва беморларга ҳар бирига 500 сўмдан жами 10 миң сўм миқдорда пул тарқатилди. Шунга ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш иши бизда анча яхши йўлга қўйилган. Бугунги кунда маҳалламизда 200 дан ортиқ оила ҳар ойда жон бошига олаётган даромадига қараб 600 сўмдан 1200 сўмгача моддий ёрдам олмақда. Хомиляримиз кўмаги билан етим-есирларга қийим-кечаклар, озиқ-овқатлар тарқатилмоқда.

## «ҚАЙНОНАМ — ОНАМ, КЕЛИНИМ — БОЛАМ»

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимовна сўзга чиқиб, бугунги кунда шахримизда намунали оила номини олишга интилаётганлар тобора кўпайиб бораётганини, чунки фақат оила рисоладагидек бўлгани, инсон ўзини бахтли ҳисоблаши яхши англаётганини қувонч билан гапирди. Шунингдек оилани мустаҳкамлаш, кўп болали оналарни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳукуматимиз томонидан анча ишлар қилинаётгани, яқинда қабул қилинган «Меҳнат ҳақида»ги қонунда ҳам аёлларимиз учун бир қанча энгилликлар ирратилганини ҳам таъкидлади.

— Давра суҳбатига оила аъзолари билан келганлардан би-

## «ЁШЛИК»ДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ

Бугунги кунда юртимиздаги ҳар қандай байрам маҳаллалар назаридан четда қолмаётир. Шундай қувончли кунлардан бири Мирзо Улуғбек туманидаги «Ёшлик» маҳалласида бўлиб ўтди.

Бу ерда болалар ўртасида кўрик-танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган 80 дан зиёд ўғил-қиз иштирок этди.

Кўрик-танлов иштирокчилари бўлган болалар аввалига топқирлик, зукколик, билимдонлик, ҳозиржавоблик бора-сида беллашдилар. Ушбу мусобақа мавзуси юртимиз тарихи, қўна маданият, бугунги ҳаётга оид саволлардан ташкил торган эди. Спорт беллашувларида эса болалар тезкорлик, чаконлик, қўнғиллик фазилатлари билан голибликка интилишди.

Ҳакамлар ҳайъатининг хулосаларига кўра урта бола ва етти-саккиз «Левентуви» фирмаси вакилининг совриларига эга бўлишди. Сақизта ўсмир мусобақалар олдидан ўтказилган шанбалик учун ҳам савоблар билан тақдирланди. Тош кўтариш бўйича юқори натижага кўрсатган икки голиб бола Самарқанд саёхатига бепул бориб келиш имконини қўлга киритдилар. Мусобақанинг 10 иштирокчиси, шу жумладан битта қиз — Юлия Халъезовага ширинликлардан иборат совға берилди.

Аввалги йиллардаги каби «Ўзбекистон» ресторани ҳамда «Та-Та» туристик комплекси маъмурияти мусобақа иштирокчиларига ўз тўғрйлиги топиришди. Шунингдек «Ёшлик» тижорат корхонаси директори К. Қозоқбоев қорхона ҳисобидан болаларга тўқтин дастурхон тузаб берди. Маҳалла ҳудудидagi кафе жамоаси ҳам ушбу хайрияга ўз ҳиссасини қўшди. Байрамда болаларнинг ота-оналари ҳам иштирок этди.

Малик РАҲМОНОВ.

## Нишабқулоқ ва қўшни маҳалладагилар Маҳамат амакини «Маҳамат сўфи», «Маҳамат табиб» дейишарди.

Ўрта буй, оппоқ соқоли, бошида салла, ўзига ярашган миллий кийимда юзидан нур ёғилиб юрарди. Маҳамат амакининг сўфилик қилиши бизга ёқарди. Беш маҳал номоз вақтлари Нишабқулоқ маҳалласидаги эски маҷитга бориб, азон чакирганларида ёқимли, қўнғирдек баланд овозларини раққ билан эшитардик. Кимдир фарзанд кўрса қулоғига азон айтиш учун албатта Маҳамат сўфини чакришарди.

## Яхшилар ёди НИШАБҚУЛОҚЛИК МАҲАМАТ ТАБИБ

Қулоғига ким азон айтса боланинг ўша кишига ўхшашлик томонлари бўлади, дейишарди. Шунинг учун чақалоққа азон айттириш учун ҳар томонлама фазилатли кишиларни чақиртирарди. Бу таомилимизни ҳеч ким унутмаслигини қайта-қайта ўқитишарди. Халқимиз орасида «Фалончи сўфи бўлиб қолибди-ю» деган ярим қўчирим, лекин ҳур-санд бўлишига аризулик гап юради. Сўфи дегани аслида ҳаётини Оллоҳ ва халқ исмига баҳишда этган асл инсонлардир. Ўтмишда Баҳоддин Нақшбанд, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Гиждувоний қабилар асл сўфирлар эди. Абдулҳай Тожиев маҳалласидаги Мухтор отани ҳам Мухтор сўфи дейишарди.

Маҳамат сўфининг табиблиқдан ҳам хабари бор эди. У киши бу касбга осонликча эришмаган. Қадимки табобат илмиётининг буюк алломалари Лўқмон Ҳаким, Абу Али ибн Синолар таълимотларини ўрганган. Улар ҳақида ҳикматлар, ривоятларгача ўқиган. У кишининг табиблиқ касби қишининг аввалидан бошланарди. Куз фасли ва охирида шаҳардан ташқари чиқиб, дала, қирларни кезиб, доривор гиёҳлар олиб келарди. Хонасида алоҳида қозон, қозончалар, турли хил идиш, сузгичлар бўларди. Доривор гиёҳлар орасида қовуннинг пишган илдизи, янтоқ, чўяляғиз, қўйтикон, отқулоқ уруги ва япроғи, баргизуб, сачратқи ўт, қоқилғи, чақиртичак, итузум мевалари, наъманатқ, итқовун шунингдек анор пўчоғидан тор-

Маҳамат табибнинг дори тайёрлашини кўп кузатганимиз, масалан, ҳовонача қўйтикон, баргизуб япроқларини яхшилаб қури-тиб талқон қиларди. Сўнг махсус элакча элаб, шишаларга жойлаб қўяди.

Табиб ҳар нарсача қизиқадиган, севгир, меҳнатсевар, ақли, насихат эшитадиган болаларни ёқтирарди. Маҳамат табибнинг қўли-бола дори ва малҳамлари шу қадар сероб эдики, биз болалардан бошқа ёши катталар унинг сўфи-асроплари, қандай тайёрлашини билолмасди. Амаки катталар олдидан ишласа, касалликлар ҳақида маслаҳатлар бериб, улар билан чоқхўрлик қилиб ўтирарди. Ўша кезлари «яра-чақалар, иситма, безгак касалликлар»ни кўп, шифо топиш қийин, шифокор жуда кам, бундай касал билан оғриганлар уйларида ётишарди. Маҳамат табиб савоб бўлади деб, ётган беморлар ҳузур-касби қишининг аввалидан бошланарди. Куз фасли ва охирида шаҳардан ташқари чиқиб, дала, қирларни кезиб, доривор гиёҳлар олиб келарди. Хонасида алоҳида қозон, қозончалар, турли хил идиш, сузгичлар бўларди. Доривор гиёҳлар орасида қовуннинг пишган илдизи, янтоқ, чўяляғиз, қўйтикон, отқулоқ уруги ва япроғи, баргизуб, сачратқи ўт, қоқилғи, чақиртичак, итузум мевалари, наъманатқ, итқовун шунингдек анор пўчоғидан тор-

Маҳмуд АХМЕДОВ.

Шахримизда бирон-бир маҳалла йўқки чойхонаси бўлмасе. Ҳар қандай муҳим гап бир виёла чой устида ҳа бўлади. Шундан бўлса керак чойхоначи ҳаммасе таниш, ҳамма учун бирдй хўрмамди. Рустам Шарипов олган суратлар.

